

ISSN:2181-1458

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

**NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTNOMASI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC BULLETIN OF
NAMANGAN STATE UNIVERSITY**



namdu.uz ilmiy@inbox.uz

[Namdu_ilmiybolim](#)

ISSN:2181-0427

2022

4



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Д.Дехқонов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдурахмонов.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноят, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф Ў.Асқарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д., проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: [Н.Юсунов](#)

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.04.2022 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 4**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



	учун сабаб бўлган факторни аниқланг ва муаммо ечимини изланг. Топган ечимни асосланг ва айнан шу вазиятга сабаб бўлганлигини мисоллар ёрдамида изоҳланг.
4-босқич	Кейс ечими бўйича ўз фикр-мулоҳазангизни ёзма равишда ёритинг ва тақдим этинг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008.-180 б.
2. Сабирова Д.А. Мультимедиа тизимлари ва технологиялари. Ўқув қуланма -Т: ТГЭУ, 2013г
3. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. –Т. Фан, 2009.
4. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологиялари-ни жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. -Т.: Фан, 2007.
5. Алимов З.Х. Транспорт воситаларида қўлланиладиган эксплуатацион материаллар. -Т. : “Фан ва технология”, 2011 й., 160 бет.

УДК 821-111

XX АСР БОШИ ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ АНЪАНА ВА НОВАТОРЛИК ТУШУНЧАЛАРИ МУТАНОСИБЛИГИ

Хамдамова Ситора Бахшиллоевна

Бухоро давлат университети,

Хорижий тиллар факультети, Инглиз адабиёти ва стилистика кафедраси таянч

докторанти

e-mail: star-start111@yandex.ru

Аннотация. Анъанавийлик ва новаторлик ўртасидаги мутаносиблик муаммоси, индивидуаллик ва тақлид қилиш масаласи ҳар бир адиб ижодини таҳлил қилишда илгари суриладиган асосий масалалардан ҳисобланади. Айниқса, XX аср бошидек мураккаб бадиий жараён ҳақида сўз юритилганда индивидуал муаллифлик услуги, янги гоё ва мавзуларнинг пайдо бўлиши алоҳида эътиборимизни тортади. Ушбу мақолада XX аср инглиз шеърлятида турли йўналишларнинг тадрижий ривожини, анъана ва новаторликнинг бадиий оқимлар кесимида ўзаро муносабати таҳлил остига олинган. Шунингдек, ўрганилаётган даврга тегишли Э.Паунд, Т.С.Элиот ва У.Б.Йейтс каби шоирлар ижоди анъанавийлик ва новаторлик нуқтаи назаридан ўрганилади.

Калит сўзлар: анъана, новаторлик, индивидуал муаллифлик услуги, аллюзия, таржима, реминисценция, адаптация, тақлид, коллаж, эпигон.

Аннотация. Гармония между традицией и новаторством, сочетание индивидуальности и подражания — одна из главных проблем, возникающих при анализе творчества каждого художника. Особенно, когда мы говорим о таком сложном художественном процессе, как начало XX века, наше внимание привлекает появление индивидуального авторского стиля, новых идей и тем. В статье анализируется постепенное развитие различных направлений в английской поэзии XX века, соотношение традиции и новаторства с точки зрения художественных



течений. Также с точки зрения традиции и новаторства исследуются произведения таких поэтов, как Э. Паунд, Т. С. Элиот и У. Б. Ятс, относящиеся к изучаемому периоду.

Ключевые слова: традиция, новаторство, индивидуальный авторский стиль, аллюзия, перевод, ремиссия, адаптация, подражание, коллаж, эпигон.

Abstract. *The harmony between tradition and innovation, the combination of individuality and imitation is one of the main problems that arise when analyzing the work of each artist. Especially when we talk about such a complex artistic process as the beginning of the XX century, our attention is drawn to the emergence of an individual author's style, new ideas and themes. The article analyzes the gradual development of various trends in English poetry of the XX century, the relationship between tradition and innovation from the point of view of artistic movements. Also, the works of such poets as E.Pound, T.S.Eliot and W.B.Yeates are studied from the point of view of tradition and innovation.*

Keywords: *tradition, innovation, individual style, allusion, translation, remission, adaptation, imitation, collage, epigon.*

I. КИРИШ

Ҳар бир миллий адабиётда асрлар мобайнида йиғилиб келган эстетик тажриба – ҳаётнинг қандай томонларини ҳамда қандай усуллар ва воситалар билан тасвир этиш соҳасидаги ижобий ютуқлар – адабиётшунослиқда адабий традиция (анъана) деб аталади. Адабиётда ҳаётни тасвирлаш борасидаги янги тарихий шароитда очилган йўллар, тасдиқ топган янги усул ва воситалар адабий новаторлик деб номланади.¹²⁷ Адабиётда анъанавийлик тушунчаси азалдан бадиий танқидчилар, файласуфлар, маданиятшунослар, этнографлар, социологлар ва шу каби йўналиш вакилларининг абадий муҳокама мавзуси ҳисобланади. Анъанавийлик ўтмиш авлод билим - кўникмаларини ўзлаштириб, замонавий зайдда талқин этиш, бадиий услуб ва йўналишга таъсир кўрсатиб уларнинг асосини ташкил этишда кўринади. Бадиий жараёнда қўйилган ҳар бир қадам мавжуд тажриба ва тушунчаларга асосланади. Анъанавийлик, асосан, ғоявий ва ижодий таъсир, тажрибалардан фойдаланиш ҳамда қадимги ва ўрта аср адабиёти, фольклор жанрлари элементларидан фойдаланишда намоён бўлади.

Анъанавийлик ва новаторлик тушунчалари босқичма - босқич замонлар оша шаклланган. XVIII аср охири ва XIX аср бошларига қадар муаллифларнинг ўзлигини намоён қилиши, индивидуал услубига эга бўлиши қадрланмаган.¹²⁸ Аксинча олдиндан белгиланган қоидалар асосида ёзиш, мавжуд услуб ва йўналишда ижод қилиш муҳим бўлган. Ушбу қоидаларга риоя қилиб ёзилган ва уларнинг талабларини тўлиқ қондирадиган асарлар чинакам бадиий дурдона асарлар ҳисобланган. Муаллифлар ҳам ўз олдларига адабиётга бирон янгилик киритиш каби мақсадларни қўймаган. Шунга қарамай барча даврларда ўз ишининг усталари тажриба амалиётларидан келиб чиқиб соҳани турли томонлама янгилаб, бадиий жараён ривожига имкон яратиб берган.

II. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Антик дунё мутафаккирларидан бири Аристотель қарашларига кўра эса, анъана муаллиф хоҳиш - истагидан катъий назар унинг ижодига ўзи билмаган ҳолда ҳам кириб

¹²⁷ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. 1980. 196 – б.

¹²⁸ Daiches D. A critical history of English Literature. Volume II. Supernova publishers. 2011. P. 253.

келиши мумкин.¹²⁹ Анъанавийлик хусусияти сифатида ижодкорлар олдинги давр адабиётидан мавзу, ғоя, мотив ва шаклларни ўзлаштирган бўлишлари мумкин. Тарихий жиҳатдан барқарор кўринган анъаналар бир вақтнинг ўзида турли ўзгаришларга ҳам учрайди. Ҳар бир давр ўтмиш маданиятидан ўзи учун қадрли ва актуал булган жиҳатни танлайди. Шу тариқа турли даврларда анъанавийликнинг аҳамияти турли маъно ва жиҳат касб этади. Бундай ўзгаришлар, айниқса, XX аср бошига келиб сезиларли даражада кенгайди.

Жаҳон адабиёти ривожининг турли босқичларида анъана ва унга киритилган ўзгаришлар мутаносиблиги турлича бўлган. Фольклор, қадимги давр ва ўрта асрлар адабиётида бу жараён жуда секин ўтган. Шунинг учун ҳам киритилган айрим ўзгаришлар сезилмаган ҳам. Д.С.Лихачев айтганидек, "Ёзувчи барча ижод намуналарини адабиёт қонун - қоидалар асосида ёзишга ҳаракат қилади. Лекин этикет нормаларини бошқа турли соҳалардан олади".¹³⁰ Бу фикр ўз даврининг илдам, тажрибали, ўз соҳасининг ривожига ҳақида қайғурадиган анъанавий ижодкорларга тааллуқли.

"Соф анъанавийлик ва соф новаторлик - мавжуд эмас", - деб таъкидлайди Ю.П.Кузнецов. Анъаналарни мутлақлаштириш бадий жараён ривожига таъсир кўрсатиб, ижодкор индивидуаллигини чегаралайди. Фақат новаторликка таянадиган бўлсак, бадий майдон тартибсиз, ҳеч бир қонун - қоидага бўйсунмайдиган борлиққа айланади. Бадий адабиётда анъанавий мавзулар, мотивлар, образлар, жанр ва композицион бирликлар мавжуд. Новаторлик деганда эса, янги мавзулар, жанрлар, бадий воқеиликни акс эттирувчи янги воситаларни кашф этиш тушунилади.

XX аср шоири шеъриятга икки нуқтаи назардан қараши мумкин эди. Биринчиси - шеърга аниқ ўрнатилган қоидалар ва тақиқлар тизими сифатида қараладиган "эски" шеърият. Иккинчиси "янги" шеърий қарашлар бўлиб, улар қўйилган мақсадга эришиш учун турли усул ва шакллардан фойдаланиш имконини берган. Биринчи гуруҳ вакиллари барча замонларда шоирлар бир хил шеърий шакл, услуб ва воситалардан фойдаланган деб ҳисобласа, иккинчи гуруҳ ижодкорлари эса, замон ўзгариши билан услуб ва техника ҳам ўзгариши керак деб ҳисоблаган. Албатта, бизнинг шоирларни бундай икки гуруҳга кескин ажратишимиз шартли ҳисобланади. Аслида, амалиётда бунинг барчаси бундан ҳам мураккаброқ. Чунки алоҳида бир ижодкор мисолида таҳлил қилинса, анъана ва новаторлик ўзгача аҳамият касб этиди.

III. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЭМПИРИК ТАҲЛИЛ

Янги услубларни излаш турли йўналишларда амалга оширилганлиги сабаб, XX аср шоирлари нафақат ўзларидан олдинги аждодларидан, балки бир - бирларидан ҳам фарқ қилади. Дилан Томаснинг модернистик услуби билан Уистен Хью Оденнинг асл инглиз шеърияти анъаналарига содиқлигини ёки Томас Стернз Элиотнинг демократизми ва Ричард Олдингтоннинг имажинизм йўналишидаги шеъриятини қиёслашнинг ўзи юқоридаги фикримизни исботлайди.

Функционал нуқтаи назардан анъана ўтмиш ва ҳозирги замон ўртасидаги воситачи сифатида образлар, усуллар, кўникмалар ва тажрибани сақлаб, етказиб бериш

¹²⁹ Аристотель. Сочинения: в 4-х т. М.: Мысль, 1978. Т. 2. Философское наследие. 687 с.

¹³⁰ Лихачев Д.С. Прошлое будущему. Наука. Ленинград. 1985. С. 442.



вазифасини ўтайди.¹³¹ Буларнинг барчаси бадий, маданий, ахлоқий муносабатларнинг қайта - қайта такрорланиши орқали амалга оширилади. Анъана ўтмиш билан боғлиқ бўлган тафаккурнинг бир тури сифатида ҳозирги куннинг етакчи ғояси, йўналиши бўлишга, ҳаттоки, келажак фикр - ғояларининг мукамал намунаси вазифасига давогарлик қилади.

Новатор ижодкор жаҳон ва миллий, оғзаки ҳамда ёзма адабиёт тажрибасига таяниб, абадий мавзу ва мотивлардан фойдаланиб, аллюзия, ремесценция, таржима, монтаж, коллаж ва бошқа воситалар ёрдамида янгилик яратади. Анъанавийлик ва новаторлик тушунчаларини бинар қаршилиқда эмас, балки бир бирини тақозо этадиган бадий жараён аспекти сифатида ўрганиш жоиз. Ф.Ницше ўзининг " Так говорил Заратустра. Книга для всех и ни для кого" номли фалсафий романида "қонунлар тахтасини синдириш" ва "она маконни тарк этиш" (анъаналардан воз кечиш) ни таъкидлайди.¹³² Аммо анъаналардан бундай воз кечиш ва инкор этиш олдинги авлод меросини йўқотишни англатиб, ҳеч бир даврда ўзини оқламаган ва номақул ҳаракат ҳисобланади.

Умумий ва қиёсий адабиётшунослиқда анъанавийликка нисбатан "миллийликни ифодаловчи жамоавий хусусият"га эга, новаторликни эса "шахсий дунёқарашдан келиб чиқадиган умумий" категория сифатида ёндашилади.¹³³ Ҳақиқатдан, XIX аср охри ва XX аср бошидаги чексиз маълумотлар оқими, фан - техника ривожини, турли ихтиролар адабий майдон ва жараёнга ўз таъсирини кўрсатиб, унинг трансформациясини тезлаштирди. Шунга кўра, ушбу давр адабиётида турли оқим ва йўналишлар шиддат билан бир - бирининг ўрнини эгаллади: имажизм, модернизм, футуризм, сюрреализм, постмодернизм ва бошқалар. Хусусан шеърятда янги оқимлар билан бирга янги жанрлар (эркин шеър, оқ шеър), бадий техника (онг оқими, монтаж, коллаж, субтекст, абсурд мантиқ)лар пайдо бўлди.

Шунга қарамай аксарият бадий жараён кашфиётлари анга илгари унутилган анъанавий элементларга асосланади. Анъанавийлик ва новаторлик уйғунлиги адабиёт ривожининг гаровидир.

IV. НАТИЖАЛАР

Анъанавийлик ва новаторлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг илк намунаси сифатида халқ оғзаки ижоди ва бадий адабиётни келтиришимиз мумкин. Ёзма бадий адабиёт ривожининг илк асрларида фольклорнинг таъсири аҳамиятли ва яққол кўзга ташланадиган. Инглиз адабиётининг қадимги даврида анъанавийлик етакчилик қилган. Новаторлик элементларига аҳамият берилмаган. Авлоддан авлодга етиб келган мавзулар, жанрлар, бадий воситалар такрорланиши, бир бирига ўхшаши ва маълум қонуният ва тузилишга бўйсунishi билан характерланади.

Анъанавийлик ва новаторлик ўртасидаги энг мураккаб муносабатлар бадий оқимлар ўртасида содир бўлади. Одатда, ҳар бир янги оқим ўзидан олдингисини рад этиб, ундан ҳам аввалгисининг элементларидан фойдаланади. Бунга мисол қилиб

¹³¹ Кононенко Б.И. Культурология. – М., 2003. стр. 53

¹³² Ницше Ф. Так говорил Заратустра. Книга для всех и ни для кого, М.: "Интербук", 1990. С. 156.

¹³³ Выходцев П.С. Новаторство. Традиции. Мастерство. - Л., 1973. С. 89.

уйғониш даври ва классицизмнинг антик адабиётга мурожаатини, романтизмнинг рационализмни инкор этиб ўрта асрлар адабиётига юзланишини, реализмнинг марифатпарчилик адабиётдан фойдаланишини, модернистларнинг барча мавжуд қодаларни рад этиб, лекин шу ўринда ҳар бир оқимдан қайсидир элементни ўзлаштиришини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Анъанавийлик замонлар оша аллюзия, таржима, реминисценция, адаптация, тақлид, стилизация, коллаж, эпигон, монтаж каби бадий техникалар орқали янгилашиб, замонавий адабиётда ўзлаштирилади.¹³⁴ Бадий адабиёт ривожда бадий услуб анъаналари муҳим вазифага эга. Классик услубнинг нормативлари, романтизмнинг ёрқин ва таъсирчанлиги, реализмнинг танқидий қарашлари, импрессионизмнинг нафислиги, маърифатпарварларнинг рационал фикрлари турли замонларда энг намунавий бадий элементлар сифатида эътироф этилган.

V. ХУЛОСА ВА МУНОЗАРА

Анъанавийлик ва индивидуаллик ўртасидаги мутаносиблик муаммоси, новаторлик ва тақлид қилиш масаласи ҳар бир ижодкор ижодини таҳлил қилишда илгари суриладиган асосий масалалардан ҳисобланади. Айниқса XX аср бошидек мураккаб бадий жараён ҳақида сўз юритилганда индивидуал муаллифлик услуби, янги ғоя ва мавзуларнинг пайдо бўлишига алоҳида эътиборимизни қаратишимиз жоиз. Янги аср билан бирга янги даврга қайси ижодкорлар ҳамнафас кириб келиши, ёки қайсидир муаллифларнинг инқилобий “замонавийлик кемаси”дан ортда қолиши кўплаб адабий танқидчилар ва тадқиқодчилар диққат марказидаги масалага айланди.¹³⁵

Шундай қилиб, анъанавийликнинг шаклланиши – бадий мероснинг шунчаки ўзлаштирилиши эмас, балки замонасининг энг долзарб муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдиган бадий ва эстетик нормалар, маданий қатламларнинг мураккаб муносабатлари йиғиндисига асосланади. Шунингдек, энг муҳими – анъанавийлик бадий мероснинг асосий посбони, миллатнинг маданий хотираси. Айнан у орқали ҳозирги кунда бизни юзлаб йиллик масофа ажратиб турган ўтмиш қадриятлар етиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ellmann M. The Poetics of Impersonality. - Harvard: Harvard University Press, 1987.
2. Leavis F.R. Revaluation: Tradition and Development In English Poetry. — London, Chatto & Windus, 1956.
3. Lehmann J. The English Poets of The First World War. - NY.: Thames and Hudson, 1981.
4. Partridge A. C. The Language of Modern Poetry. - London: Deutsch, 1976.
- Perkins David. A History of Modern Poetry. - Belknap Press of Harvard University Press, 1976-1987.
5. Read Herbert. Form In Modern Poetry. - London: Vision, 1989.
6. Thvvaite Anthony. Twentieth-century English Poetry. - London, NY: Thames and Hudson, 1978.
7. Зверев А.М. Модернизм в литературе США. - М.: Наука, 1979.

¹³⁴ Аверинцев С.С., Андреев М.Л., Гаспаров М.Л., Михайлов А.В. Категории поэтики в смене литературных эпох. Историческая поэтика. Литературные эпохи и типы художественного сознания. М., 1994.С. 296.

¹³⁵ Perkins, David. History of Modern Poetry. London, 1979. P. 54



8. Ивашева В. В. Английская литература XX века. М.: Просвещение, 1967.
9. Ионкис Г. Э. Английская поэзия первой половины XX века. — Москва: Просвещение, 1967.
10. Саруханян А.П. Современная ирландская литература - М.: Наука, 1973.
11. Скороденко В. Английская поэзия (1945 - 1970). — Москва: Просвещение, 1971.
12. Соколов К.С. И. Бродский и У.Х. Одеп: к проблеме усвоения английской поэтической традиции. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. — Иваново, 2003.



137	Ташқи муҳитни спортчиларнинг меҳнат қобилиятчанлигига таъсири Мирзакаримов Ю. А	692
138	Мнемоника или мнемотехника. методы и приёмы. Бекпулатова О.М., Саттарова Ф.У.....	700
139	Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқий компетенцияда мустақиллигини ўстириш Собиржонова Н. Х	704
140	Talabalarda ekologik kompetentlikni rivojlantirishning pedagogik mexanizmlarini takmorlashtirish Murtozayeva M.M	710
141	Методические рекомендации по обучению учеников 9 классов сложноподчиненным предложениям русского языка Абдуллаева С. Н	714
145	Бўлажак иқтисодчи кадрларни касбий компитенциясини такомиллаштиришда хорижий тилларнинг роли Атаева Н.С.....	722
146	Umumiy o'рта ta'lim maktablari o'quv jarayonining samaradorligini oshirishda fizika fanining namoyish tajribalarini zamonaviy qurilmalar yordamida o'qitish Rahmanov V.T	725
147	Иностранный язык как компонент профессиональной подготовки студентов вуза физической культуры Сабирова З.Б.	728
148	Кўмир қаламчалари билан ишлашнинг ўзига хос томонлари Солиев Х.З	736
149	Принципы формирования региональной экономической политики Норжигитов Р.О., Равшанов А.Р	739
150	Развитие связной речи учащихся начальных классов Набулин Р.Р	743
151	Естественнонаучная грамотность (Исследование pisa) – это путь осмысления и улучшения знаний учащихся Сиддикова Ш.А	750
152	Контроль состояния скоростно-силовой подготовленности квалифицированных гандболистов в тренировочном процессе Абдалимов А.О	757
153	Талаба-ёшлар жисмоний маданиятини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда янгича ёндашув асосида таълим бериш мазмун-моҳияти Тоштемиров О. А	764
154	О'қувчиларнинг иродасини mustahkamlash va ijodkorlikka o'rgatishda steam dasturlaridan foydalanish Tolipova T.Q	769
155	Ўқувчиларни миллий чолғу асбоблари билан таништиришнинг ўзига хос йўллари Омонов Х.С.,Савопов Р.И	773



156	Методы и принципы обучения лексике Хамдамова Г. Х	783
157	Повышение готовности будущих учителей изобразительного искусства к обучению на основе индивидуального подхода. Хайров Р.З	787
158	Баскетболда тренировканинг асосий воситалари ва методлари. Хамакулов Т.Т	794
159	Formation of writing in english lessons Sharapova G.Sh	798
160	Tendencies and basic categories of technical thinking Yusupova Sh	802
161	Ўзбекистон республикасида ёшларга оид ислохотларнинг ривожланиши Топилдиев О.Р	806
162	Сонли моделлаштириш усулида масалалар ишлаш орқали талабаларни физик жараёни тўлиқ таҳлил қилишларини шакллантириш Исманова О.Т	815
163	Муаммоли ёндашув асосида бўлажак муҳандисларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш механизми Ядгаров Қ,А	821
164	XX аср боши инглиз шеъриятида бадий анъана ва новаторлик тушунчалари мутаносиблиги Хамдамова С.Б	828